

ШАҲАР АҲОЛИСИНИНГ ЎСИШИ ВА АВТОМОБИЛЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ.

Ахунов Рустам Юсупович

*“Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси ўқитувчиси
Андижон муҳандислик институти*

Аҳоли сонининг ҳамда автомобиллаштириш даражасининг ортиши, биз ўрганаётган масалага тўғридан-тўғри таъсир қилувчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг сони **7,794** млрд. нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2016 йидагидан 331 млн. нафарга кўп кўрсаткич ҳисобланади [1].

1-жадвал

Дунё аҳолисининг ўсиш кўрсаткичи

Йил	Жаҳон аҳолиси	Йиллик ўзгариш	Зичлик (аҳоли/км ²)	Шаҳар аҳолиси	Шаҳар аҳолиси%
2020	7 794 798 39	1,05%	52	4 378 993 944	56%
2019	7 713 468 00	1,08%	52	4 299 438 618	56%
2018	7 631 091 40	1,10%	51	4 219 817 318	55%


Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда доимий аҳоли сони 2022 йилнинг 1-январ ҳолатига 35 271 276 минг кишини ташкил этиб, шундан 17,9 млн. шаҳар аҳолиси (жами аҳоли сонигаги улуши 50,7%), 17,4 млн. қишлоқ аҳолиси ҳисобланади [2].

2-жадвал


Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимидаги доимий аҳоли сони

Ўзбекистон Республикаси	Жами аҳоли
Қорақалпоғистон Республикаси	1 898,3
вилоятлар:	
Андижон	3 127,6
Бухоро	1 924,2
Жиззах	1 382,1
Қашқадарё	3 280,1
Навоий	997,1

Наманган	2 810,9
Самарқанд	3 878,0
Сурхондарё	2 629,3
Сирдарё	846,4
Тошкент	2 941,4
Фарғона	3 752,0
Хоразм	1 866,7
Тошкент ш.	2 571,7



1-расм. 1991-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳоли сонининг ўзгариш графиги



2 - расм. 2022 йилнинг 1 январ ҳолатига вилоятлар кесимида аҳоли зичлигининг ўзгариш гистограммаси (1 кв.км)

Республика ҳудудлари кесимида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йил 1 январ ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3878,0 минг кишини (республика аҳолиси сонидagi улуши 11,4%ни) ташкил этиб, кейинги ўринларда Фарғона вилоятида 3752,0 минг кишини (11,0%), Қашқадарё вилоятида 3280,1 минг кишини (9,7%), Андижон вилоятида 3127,6 минг кишини (9,2%) ташкил этди. 2020 йил 1 январ ҳолатига аҳолиси сони 3 млн. кишидан ошган ҳудудлар сони 4 тани ташкил этди [3].

Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг доимий аҳолиси сони 2020 йил 1 январ ҳолатига 2 571,7 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилдагидан 106,1 минг кишига ёки 4,1 % га ўсган.

Юкоридаги графикдан кўришимиз мумкинки Ўзбекистон аҳолисининг сони жадал суръатларда ошиб бормоқда. Айниқса шаҳар аҳолисининг сони 1-расмда кўринганидек 2009 йилдан бошлаб кескин ўса бошлаганини кўришимиз мумкин [4].

Автомобиллаштириш даражаси бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасида кескин суръатларда ортиб бормоқда. Қуйда 3-жадвалда дунё шаҳарларидаги жисмоний шахсларга тегишля транспорт воситаларининг ҳар 1000 кишига қанчадан тўғри келишини кўришимиз мумкин. Ушбу жадвалдаги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг автомобиллаштириш даражаси бошқа шаҳарларга қараганда бирмунча юқори (4,2%) эканлигини кўриш мумкин [5].

3-жадвал

Дунё шаҳарларидаги жисмоний шахсларга тегишли автомобиллар сони

Шаҳарлар	Автомобиллар сони. Ҳар 1000 кишига	2016-2020 йилларда ўртача ўсиши. %	
		камай иши	ўсиши
1	2	3	4
Мексика	620,2		7,6
Сан-Паула	460,6		2,2
Берлин	331,6	0,3	
Сеул	318,7		1,0

1.3-жадвал давоми

1	2	3	4
Москва	316,6	0,3	
Лондон	291,9	0,9	
Токио	235,8		0,5

Ню-Ёрк	224,8		0,9
Пекин	196,6		0,4
Тошкент	144		4,2
Шанхай	118,6		11,9
Сингапур	88,3	2,6	
Гонконг	83,1		2,7

Албатта мамлакатимизда автомобиллаштириш даражасининг ортиши мамлакатдаги автомобил ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши билан боғлиқ. Яъни 1996 йил Ўзбекистонда илк бор автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада Ўзбекистоннинг автомобиллаштириш даражаси тез суръатларда ўса бошлади [6].

Бугунги кунга келиб Ўзбекистондаги автомобиллаштириш даражаси статистикасига эътибор берсак, жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларининг сони 2 955 295 ни ташкил этган.


Хусусан:

- енгил автомобиллар – 2 767 126 та;
- юк автомобиллари – 168 810 та;
- автобуслар – 5 711 та;
- микроавтобуслар – 5 818 та; махсус транспортлар – 5 130 та.

Жумладан: 2020-йил 1 январ ҳолатига республика ҳудудларида энг кўп Тошкент шаҳри 417 646 та, Самарқанд 311 997 та, Тошкент вилояти 253 073 та ва Фарғона 243 230 та вилоятлари аҳолисида автотранспорт воситалари мавжуд [7].

2020 йилнинг феврал ойида Президент администратсияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази Ўзбекистонда 3 миллиондан ортиқ транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгани, уларнинг 89 фоизи енгил автомобил эканлигини маълум қилди.

2021 йилнинг 1 декабр ҳолатига республикаимизда 3 млн 775 мингта транспорт воситаси мавжуд. Статистик маълумотларга кўра, республикаимизда автомобиллар сони ҳар йили ўртача ҳисобда 300 мингтага кўпаймоқда [7].



3-расм. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларининг ҳар 1000 кишига тўғри келиш сони йиллар кесимида

Қуйда келтирилган маълумотлардан (4-жадвал) кўринадики, автомобиллаштириш охирги икки йилда кескин ошган.

4-жадвал

Ўзбекистонда автомобиллаштириш даражасининг йиллар кесимидаги кўрсаткичлари

Йиллар	Шахсий автомобил сони	Ўтганга нисбатан	Аҳоли	Ўтганга нисбатан	Автомобиллаштириш даражаси	Ўтганга нисбатан
2015	2109185	-	31022500	1,74%	67,99	7,4%
2016	2191231	3,89%	31575300	1,78%	69,4	2,07%
2017	2273419	3,75%	32120500	1,73%	70,78	1,99%
2018	2440276	7,34%	32656700	1,67%	74,73	5,58%
2019	2580133	5,73%	33255500	1,83%	77,59	3,83%
2020	2955295	14,54%	33905200	1,95%	87,16	12,33%
2021	3268470	11,06%	35271276	4,03%	92,67	6,32%

5 - жадвал

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситаларининг ҳар 1000 кишига тўғри келиш сони транспорт воситаларининг таркиби (Вилоятлар кесимида)

2020 йил	Умумий автомобиллар	шундан:				
		Енгил автомобиллар	Юк автомобиллар	Автобуслар	Микро автобуслар	Мухсус автомобиллар
Ўзбекистон Республикаси	87,16	81,61	4,98	0,17	0,25	0,15
Қорақолпоғистон Республикаси	64,24	59,6	3,52	0,2	0,76	0,15
<i>Вилоятлар:</i>						
Андижон вилояти	67	62	5	0,02	0,1	0,05
Бухоро вилояти	101	94	7	0,2	1	0,2
Жиззах вилояти	58	52	4	0,2	0,2	1
Қашқадарё вилояти	73,5	68,2	5	0,1	0,1	0,1
Навоий вилояти	80,6	75,2	3,5	0,25	1,3	0,25
Наманган вилояти	71,6	64,1	7,2	0,1	0,01	0,1
Самарқанд вилояти	89	83,4	5,08	0,1	0,1	0,07

Сурхандарё вилояти	61	57,2	3,2	0,4	0,04	0,04
Сирдарё вилояти	77,5	71,8	5	0,1	0,4	0,1
Тошкент вилояти	93	89,3	3,1	0,08	0,25	0,3
Фарғона вилояти	80,6	73,7	6,3	0,3	0,2	0,03
Хоразим вилояти	107	100,4	6	0,1	0,2	0,1
Тошкент шаҳри	186,4	181,6	4,3	0,08	0,2	0,2

Автомобиллар сонининг бундай ортиши инсонларнинг жамиятдаги транспорт воситалари хизматига булган талабини қондиришга хизмат қилмоқда. Шунинг билан бирга бугунги кунда транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда [8].

Яъни:

-транспорт воситаларининг сони ортган сари кўчаларда тирбандликларнинг ортиши;

-транспорт воситаларининг тўхтаб тауриш жойларига бўлган талабнинг ортиши;

-йўлларда ҳаракатланиш тезлигининг пасайиши;

-атроф-муҳитга бўлган зарарнинг ортиши;

-ҳайдовчиларнинг психофизиологик ҳолатини ёмонлашиши ва ҳоказо.

Агар биргина автомобиллар тўхтаб туриш жойларига бўлган талабни ортишига қарайдиган бўлсак, бу бугунги куннинг катта муаммосига айланиб бормоқда. Бизга маълумки ҳар бир автомобилнинг тўхтаб туриши учун 15 м² дан 30 м² гача жой талаб қилинади ва бир кунда битта автомобил фойдаланувчиси автомобилнинг тўхтаб туриши учун кунлик эҳтиёждан келиб чиққан ҳолатда, иккитадан бештагача турли тўхташ жойларидан фойдаланади [9].

Масалан, Буюк Британияда автомобиллар сони 2030 йилга бориб башоратга кўра 27 миллиондан 39 миллионгача ошади ва уларнинг 2,8 миллиони кўчаларда тўхтаб қолади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси сони ва автомобиллаштириш даражаси кескин ўсиб бормоқда. Бу ўз навбатида транспорт воситалари билан боғлиқ кўплаб муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, яъни ушбу муаммолардан бири кўча бўйлаб тўхтаб туриш жойларининг ҳаракатланиш ҳавфсизлигига таъсирдир. Кўплаб давлатларда бу муаммонинг бир қанча ечимлари ишлаб чиқилган. Бироқ бизнинг мамлакатимизда бу масалада ечилиши муҳим бўлган муаммолар етарлича мавжуд [9]. Яъни шахсий ёки хизмат машинасидан фойдаланадиган ҳар қандай ҳайдовчи борки, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида вақтинча тўхтаб туриш жойлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади ва кўп ҳолларда қоидаларни бузишга мажбур бўлишади. Бунинг натижасида йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигига етарлича салбий таъсир

kўrsatiladi. Шу сабабли бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ҳам кўча бўйлаб тўхтаб туриш жойларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжи туғилган [10].

ADABIYOTLAR RO'YXATI .

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 4 apreldagi “Avtomobil yo'llarida inson xavfsizligini ishonchli ta'minlash va o'lim holatlarini keskin kamaytirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-190-son qarori.
2. *Toshtemirov D.E., Niyozov M.B., Yuldashev U.A., Irsaliev F.Sh. Resource support of distance course information educational environment // Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020, pp. 399-400*
3. Shoyadbek, T. (2023). LACETTI GENTRA AVTOMOBILINING NAZORAT-OLCHOV ASBOBLARI PANELIGA GAZ BALLONLI MOSLAMA UCHUN DATCHIK ORNATISH LOYIHASI. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 3(32), 79-81.
4. Axmadjonovich, T. R. S. (2023). YENGIL AVTOMOBILLARDA ISHLATILADIGAN DETALLARINING YEYILISHINI O'RGANISH VA TAHLIL QILISH. *Mexatronika va robototexnika: muammolar va rivojlantirish istiqbollari*, 1(1), 332-336.
5. Qosimov, I., & To'raev, S. (2023). ZAMONAVIY AVTOMOBILLARINING RUL TORTQILARIDA QO'LLANILADIGAN KOMPOZITSION POLIMER MATERIALLARI. *Scientific Impulse*, 1(10), 1854-1856.
6. Ahmadjonovich, T. R. S. A. I., & KOMPOZITSION, Y. B. G. B. I. (2022). POLIMER MATERIALLAR TAXLILI. *Ilmiy impuls*.
7. Axmadjonovich, T. S. (2023). KOMPOZIT POLIMER MATERIALLARNING Atrof-muhitga VA INSON SOG'LIGIGA TA'SIRI. *Galaxy xalqaro fanlararo tadqiqot jurnali*, 11, 666-669.
8. To'lamirzayevich R. D. TRANSPORT VOSITALARIDAN CHIQUYOTGAN ZAHARLI GAZLAR MIQDORINI TAHLILI //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – T. 2. – №. 22. – C. 139-144.
9. To'lamirzayevich R. D. AVTOMOBIL YO 'LLARIDA HARAKATLANAYOTGAN HAYDOVCHI VA PIYODALARNING XAVFSIZ HARAKATINI TA'MINLASH //SUSTAINABILITY OF EDUCATION, SOCIO-ECONOMIC SCIENCE THEORY. – 2024. – T. 2. – №. 15. – C. 31-36.
10. To'lamirzayevich R. D. AVTOMOBILLARDAN CHIQUYOTGAN ZAHARLI GAZLARNING ATROF-MUHITGA TA'SIRINI O 'RGANISH //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2024. – T. 2. – №. 22. – C. 134-138.